

Жаҳонгир ТОҲИРОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот
маркази бўлим бошлиғи
jahontoh@mail.ru

АЛИ ҚУШЧИНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

ЖИЗНЬ И НАУЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АЛИ КУШЧИ

LIFE AND SCIENTIFIC ACTIVITIES OF ALI KUSHCHI

Аннотация: Али Қушчининг ҳаёти ва фаолияти, унинг таълим олиш даври ва устозлари ҳақида, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, тўлиқ маълумот сақланмаган. Бутун ҳаёт йўли, оиласи, аجدод ва авлодлари, фарзанд ва набиралари, устоз ва шогирдлари, асарлари ҳақида изчил ва жамловчи маълумот бугунга қадар шакллантирилмаган. Айниқса, унинг тилшунослик ва исломишуносликка оид асарлари комплекс тадқиқ қилинмаган.

Калит сўзлар: туғилган санаси, Кермонга ва Истамбулга борган йиллари, биринчи ёзган асари.

Аннотация: Полных сведений о жизни и творчестве Али Кушчи, периоде его обучения и его учителях, за некоторыми исключениями, не сохранилось. Последовательная и исчерпывающая информация обо всем образе жизни, семье, предках и потомках, детях и внуках, учителях и учениках, произведениях до сих пор не сформирована. В частности, его работы по лингвистике и исламоведению до конца не изучены.

Ключевые слова: дата рождения, годы посещения Кермана и Стамбула, первая произведение.

Annotation: Complete information about the life and work of Ali Kushchi, the period of his education and his teachers, with some exceptions, has not been preserved. Consistent and comprehensive information about the entire lifestyle, family, ancestors and descendants, children and grandchildren, teachers and students, works has not yet been formed. In particular, his works on linguistics and Islamic studies have not been fully studied.

Key words: date of birth, years of visiting Kerman and Istanbul, first work.

КИРИШ

Али Қушчининг ҳаёти ва илмий меросини тадқиқ этиш муҳим эътиборга молик. Зеро, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг асосий вазифаларидан бири ҳам – “жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган ... Али Қушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини чуқур очиб бериш”... дан иборатдир [21: 3080].

Али Қушчининг (1403, Самарқанд – 1474, Истанбул) ҳаёти ҳақидаги маълумотлар жуда чекланган миқдорда. Унинг таржимаи ҳоли, ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлиқ ҳамда батафсил маълумот бир жойда жамланган шаклдаги бирор тадқиқотни, китобни ёхуд мақолани ҳозирга қадар учратмадик. Бунинг сабаби у ҳақидаги фундаментал тадқиқотларнинг ҳануз етарли эмаслигидандир. Шунинг учун биз турли манбаларда оз-оздан зикр этилган парча маълумотларни бир жойга жамлашга қарор қилдик.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мавжуд бўлган, нисбатан батафсилроқ, кенгроқ қамровли маълумотлар фақат умрининг охиригача икки йилини ўз ичига олган бўлиб, улар ҳам усмонийлар даври илмий муҳитига оид олимлар томонидан қайд қилинган, холос. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу комусий илмий шахсиятнинг ортида турган таълим олиш даври ва дарс олган устозлари ҳақида – айрим истисноларни ҳисобга олмаганда – тўлиқ маълумотнинг йўқлиги табиий бир ҳол сифатида баҳоланиши мумкин.

Ҳозирга қадар ўтган давр мобайнида олим ҳақидаги изланишларнинг аксари бирёқлама, тор бир йўналишда бўлганлиги аниқланди. Уларда асосан, унинг ҳаёт йўли мухтасар шаклда баён қилинган, муаян бир жиҳатини, маълум бир фан йўналиши доирасидаги фаолиятинигина ўрганиш билан чекланган. Бутун ҳаёт йўли, оиласи, аجدод ва авлодлари, фарзанд ва набиралари, устоз ва шогирдлари, асарлари ҳақида изчил ва жамловчи маълумот бугунга қадар шакллантирилмагани аниқланди. Ёки мавжуд бўлса, биз учратмадик. Асарлари ўрганилганда ҳам фақат ё аниқ фанларга, ё тилшуносликка ва ё исломшуносликка оид қисмларигина алоҳида тадқиқ этилган бўлиб, комплекс тадқиқот ҳам қилинмаган.

Айрим олим ва тадқиқотчилар билан мулоқот қилганимизда Али Қушчи ҳақида сўз борар экан, аксар жамоатчилик ҳам у ҳақида жуда оз чекланган маълумотга эга эканлиги маълум бўлди. У Улуғбек илмий мактабининг атоқли намояндаларидан бири, унинг яқин шогирдларидан бўлгани, “Расадхона” ни бошқаргани, “Зиж” асарини такомиллаштириб, Туркия орқали Европа олимларига ҳам танитгани, ўзи ҳам астрономия ва математикага оид бир нечта асар ёзгани ҳақидаги умумий маълумотлар кўпчиликка таниш.

Аммо Али Қушчи нафақат Шарқу Ғарбда аниқ фанлар (математика, астрономия) олими сифатида танилган олим, балки тилшунослик (араб тили грамматикаси: наҳв, сарф, балогат), исломшунослик (тафсир, фикҳ, ақида ва калом) фанларига ҳам оид фундаментал асарлар ёзган, темурийлар даврининг намоёндаси, мовароуннаҳрлик том маънодаги қомусий аллома бўлгани нафақат чет элдаги балки юртдош олим ва тадқиқотчиларнинг ҳам аксарига маълум эмас.

У илм-фан соҳасининг турли йўналишларида салмоқли ижод қилган, тадқиқот ва таълим соҳасида назарий ва амалий жиҳатдан самарали фаолият юритган, араб ва форс тилларини мукаммал билган, уларда ўз замонасининг фанлари бўйича қалам тебратган зукко олим бўлган.

Алломанинг тўлиқ исми Абул-Қосим Алоуддин Али Абул-Ҳасан ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий Ҳанафий бўлиб, манбаларда турлича шаклларда (*арабча ва форсчада: قوشچی, قوشجي; туркчада: Kuşçi, Qushci-zade; русча ва инглизчада: Кушчи, Kushchi, Qushchi, Qushji, Kushji*), шунингдек, ҳурмат юзасидан “Мавлоно” (улуғимиз, дўстимиз) ва “Фозил” (фазилатли олим) каби машҳур алломаларга хос қўшимча эҳтиром иборалари ҳам учрайди.

Ўзининг исми Алоуддин Али, отасининг исми эса Муҳаммад бўлган. Отаси, дастлаб, Амир Темур қароргоҳи бошлиғи лавозимида, сўнгра, темурий шахзода Мирзо Улуғбек саройида қарчиғай овчи қушларни боқувчи вазифасида ишлагани учун Муҳаммадни “Қушчи” деб чақиришар, кейинчалик, унинг ўғли Алини ҳам “Қушчининг ўғли” дейишарди, шундай қилиб, кўпчиликка Али Қушчи исми билан танилди, тарихда қолди [18: 9].

Унинг қиз фарзанди бўлган, аммо исми номаълум, гарчи унинг ўғил фарзанди бўлгани ҳақида маълумот бўлмаса-да, номаълум сабабга кўра айрим манбалардагина унинг исмига “Абул-Ҳасан” ёки “Абул-Қосим” (*Ҳасан ёки Қосимнинг отаси*) кунyasi кўшилгани учрайди [6: 946]. Унинг қизи орқали (*эрининг иккинчи турмушидан ўғай*) набираси Мирам Чалабий (1525) бўлган [7: 160]. Sédillot ўзининг Prolégomènes асарида Мирим Чалабини Али Қушчининг ўғли деб ёзган [10: 6]. Брокельман эса иккала астрономнинг набираси деган [3: 234]. Унинг тўлиқ исми Маҳмуд б. Муҳаммад б. Қозизода Румий бўлган. Отаси томонидан Қозизода Румий ва онаси томондан Али Қушчининг набираси бўлган [11: 79]. Яна бир набираси Ҳофиз Кўҳаки (Султон Муҳаммад Тошканди, 1584) бўлган [25: 1].

Ёш Али Қушчи ўз отасидан эрта етим қолганидан сўнг Мирзо Улуғбек уни ўз тарбиясига олган. Али Қушчининг илмга бўлган муҳаббатини олдиндан кўра билган ва унга ўз даврининг етук олими бўлиб етишишида оталарча ғамхўрлик кўрсатган. “Зиж” асарининг муқаддимасида уни “*фарзанди аржуманд*”, деб атади [10: 6,290]. Олимлар Али Қушчини машҳур фалакиётчи Клавдий Птолемейга қиёсан “ўз замонасининг Батлимуси (Птолемейи)” дея эътироф этишган [18: 1]. У дафн қилинган жойга «Али Қушчи – илм инсони» деган сўзлар мармарга ўйиб ёзилган [20: 193; 24: 1; 17: 1]. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик “Фалак” қиссасининг бир неча эпизодларида Али Қушчи образини ҳам тасвирлаган.

Али Қушчининг қаерда ва қачон туғилганлиги борасида манбаларда аниқ бир маълумот йўқ. Шу билан бирга Самарқанд ёки унга яқин жойда ва ҳижрий тўққизинчи асрнинг бошларида туғилган бўлиши тахмин қилинади [15: 159; 12: 243; 8: 180; 1: 321; 13: 13; 14: 3;].

Айрим араб манбаларида унинг исмига “Самарқандий” ва “Ҳанафий” нисбати қўшиб ёзилгани учрайди. Бу эса, унинг фикҳда ҳанафийликка мансуб бўлганини кўрсатади. Шунингдек, у ҳанафий мазҳаб фикҳига оид айрим шарҳлар битган. Али Қушчи яшаган Мовароуннаҳр ва Онадўли ҳудудларида, асосан, мотуридийлик таълимоти кенг тарқалган ва амалда тадбиқ қилингани ҳамда “Тажрид” асарини мотуридийлик мавқифида шарҳлагани

сабабидан ўзи ҳам ақидада мотуридийликка мансуб бўлгани билинади.

Али Қушчи бошланғич билимларни Самарканд олимларидан, хусусан, математика ва астрономия фанларини Қозизода Румий (1364-1437) ва Мирзо Улуғбекдан (1394-1449) ўрганади ҳамда улар ва Ғиёсиддин Жамшид Коший (1380-1429) билан ҳам биргаликда Улуғбек расадхонасининг лойиҳалаш ва қурилиш ишларида иштирок этган. У Саййид Шариф Журжонийнинг (1340-1413) ҳам шоғирдларидан бири ҳисобланади [16: 421].

Али Қушчи билан устоз-шоғирд муносабатларидан ташқари, унга фарзандидек муносабатда бўлган Мирзо Улуғбекнинг ташкил қилган илмий муҳитидаги фаолиятлари “математика ва астрономия каби табиий илмлар билан чекланиб қолгани сабабли бошқа илмларда ҳам чуқурлашиш мақсадида тахминан 814/1410 йилдан сўнг яширинча Кермонга (Эрон) кетади” [4: 37,38]. У ердаги уламолардан узоқ йиллар давомида таълим олиб, илмий етукликка эришади. Шундан сўнг китоб ёзишга киришади ва 15 ёшида “*Шарҳ Тажрид ал-калом*” номли биринчи асарини ёзади [19: 9]. Кейинчалик, уни Абу Саид Мирзога совға қилади [8: 181]. Бошқа бир маълумотга кўра эса, Кермонга 1414 йилда бориб, маҳаллий олимлардан илм ўрганади. У ердаги мадрасада уч йил таълим олади. Айниқса табиий фанларни, хусусан фалакиёт, риёзиётни пухта ўрганади [21: 1].

Илм олиш мақсадида узоқ йиллар давомида йироқда бўлиб, 1417 йилда Самарқандга қайтгач, ижозат олмасдан кетгани сабабли устози Мирзо Улуғбекдан узр сўрайди. Унинг “*Менга қандай совға олиб келдинг*”, деган саволига “*Ойнинг шаклларига оид қадимгиларнинг ечолмаган масалаларини ечдим ва бир рисола ёздим, (Рисолайи ашколи-л-қамар) шуни сизга олиб келдим*”, дея жавоб бериб, унга тақдим қилади. Мирзо Улуғбек уни қўлига олиши билан тик оёқда туриб варақлай бошлайди ва Али Қушчининг мавзуга оид илмий салоҳиятига таҳсин айтади. Самарқанддан ижозат олмасдан ва яширин тарзда чиқиб кетгани учун Али Қушчининг сўраган узрини ушбу рисола шарофати билан Улуғбек қабул қилади [1: 321].

Шу жойда тарихий хронологик жиҳатдан қуйидаги тўртта муаммоли савол туғилади:

1) Али Қушчи Кермонга борган санаси “1410 йилдан сўнг” ми ёки “1414 йилда” бўлганми?

2) У ерда ёзган биринчи асари “*Рисолайи ашколи-л-қамар*”ми ёки “*Шарҳ Тажрид ал-калом*” номли асарими?

3) Тажрид асарини 45 йилдан кейин 1459 – 1469 йилларда ҳукмдор бўлган Абу Саид Мирзога қандай қилиб совға қилиши мумкин?

4) Агар Али Қушчининг туғилган йили айрим манбаларда 15-асрнинг бошлари, баъзиларида эса, тахминан, 1400-1403 йиллар деб кўрсатилганлигини инобатга олсак, у қандай қилиб 7-14 ёшларида Кермонга бориб, бундай мураккаб асарларни ёзиши мумкин? Бири астрономияга, иккинчиси эса ақида ва калом илмига – ислом фалсафасига оид асарлар.

Маълумотлар етарли бўлмагани сабабли мазкур саволлар ноаниқлигича қолмоқда. Балки Али Қушчи Кермонга икки марта борган бўлиши мумкин. Шунда ушбу тўртта тарихий хронологик масалага эҳтимолӣ мантиқий ечим сифатида қуйидаги ойдinликларни киритишга эришиш ва ҳулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, Али Қушчи Кермонга борган санаси “1410 йилдан сўнг” ёки “1414 йилда” ёхуд бу йиллар оралиғида бўлганлиги ҳақидаги маълумотни ишончли деб топиб, унга таянадиган бўлсак, демак, Али Қушчининг туғилган йили кўпчилик манбаларда кўрсатилганидек, 15-асрнинг бошлари, тахминан, 1400-1403 йиллар оралиғида эмас, балки илгарироқ, 14-асрнинг 90-йил охирларида туғилган деб тахмин қилишга тўғри келади. Бироқ бу ҳолда яна бир муаммо пайдо бўлади. Мирзо Улуғбек 1394 йилда туғилган. У Али Қушчини “фарзанди аржуманд” деб атаганидан билиш мумкинки, улар ўртасидаги фарқ катта бўлган. Агар фарқ кам бўлганида “тутинган ука” ёки “биродар” деган бўлмасмиди? Демак, Али Қушчи 1403 йилда туғилгани мантиқан тўғрироқ кўринади. Шунда, уларнинг ўртасидаги ёш фарқи 9 ёш бўлади. Аммо, Кермонга 1410 йилда эмас, балки анча кейинроқ борган бўлиб чиқади. Али Қушчининг туғилган йили аниқ бўлмаса ҳам, вафот этган санаси жуда аниқ. Бу сана унинг қизи тарафидан набираси бўлмиш Мирам Чалабийнинг форсий мисраларида ҳижрий 878, мелодий 1474 йил деб келтирилган. Афсуски, унда вафот чоғида у неча ёшда бўлгани эса келтирилмаган.

Иккинчидан, Али Қушчининг Кермонда биринчи ёзган асари қайси, деган саволга келсак, Али Қушчи бошланғич таълимни астроном устозларидан олганлигини назарда тутсак, унинг биринчи ёзган асари астрономияга оид “*Рисолайи ашколи-л-қамар*” бўлган, деб тахмин қилиш мантиқан тўғрироқ бўлади. Агар Али Қушчи Саййид Шариф Журжонийдан ҳам таълим олганлигини ҳамда Носириддин Тусийнинг “*Тажрид ал-калом*” асарига Журжоний ҳам шарҳ ёзганлигини инобатга олсак, Али Қушчи аввало “*Шарҳ Тажрид ал-калом*” номли асарини Журжоний ва Тусийлардан илҳомланиб ёзган бўлиш эҳтимолини ҳам мантиқ кўтаради. Қолаверса, Тусий аниқ ва табиий ҳамда ислом фанлари билимдони бўлган, уларга оид асарлар ҳам ёзган.

Учинчидан, Али Қушчи 1417 йилда Кермондан Самарқандга қайтгач “*Рисолайи ашколи-л-қамар*” асарини Мирзо Улуғбекга тақдим этган. “*Шарҳ Тажрид ал-калом*” номли асарини эса, 1459-1469 йиллар давомида Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган Абу Саид Мирзога (1424-1469) совға қилган. Тусийнинг “*Тажрид ал-калом*” асарида шиалик йўналишининг иснаашъария-жаъфария мазҳабининг ақидавий қарашлари ҳамда метафизик, фалсафий ва табиий фанларга оид маълумотлар ўзаро синтез тарзда таҳлил этилган. Демак, Али Қушчи ушбу асарга шарҳни айнан Эроннинг Кермон шаҳрида ёзишни бошлаганлигига шубҳа қолмайди. Кейинчалик, уни такомиллаштириб, тажрибалари билан бойитиб, 15-асрнинг ўрталарида якунлаган бўлиши ҳам мумкин. Чунки, ушбу асар кичик рисола эмас, балки қарийб 400 саҳифалик шарҳдир.

Мирзо Улуғбек (1394 - 1449) ўзининг машҳур расадхонасига 1424-1428 йилларда асос солади. Аввало, Жамшид Коший (1380-1429), сўнгра Қозизода Румий (1364-1436) ҳам вафот этади. Шунда Улуғбек расадхонадаги қурилиш ишларини якунлаш ва астрономик кузатишлар учун ёш олим Али Қушчини мутасадди қилиб қўяди. Али Қушчи умрининг кўп қисмини Самарқандда ўтказди.

1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлади. Зайниддин Восифий “*Бадоиъ ул-вақоиъ*” китобида

айтишича, биринчи мударрис этиб мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Хавафий тайинланади. Мадрасада асосий маърузаларни Қозизода, Улуғбек, Коший ва кейинроқ Али Қушчи ўқийдилар.

“Зиж” устидаги ишлар 1421 йилда бошланиб, 1444 йилда тугатилган. Демак шу 24 йил ичида Али Қушчи устози Улуғбек билан астрономик кузатишлар олиб борган. Устози давлат ишлари билан Самарқандда бўлмаган пайтларда ҳам Али Қушчи расадхонада кузатишлар олиб борган. Шубҳасиз, Али Қушчи то 1449 йилнинг октябрида юз берган Улуғбекнинг фожиали ўлимигача устози билан бирга расадхона ва мадрасаларда фаолият олиб борган.

Насируддин Тусий тайёрлаган “Зийжи Илҳоний”даги хатоларини тузатиш мақсадида Улуғбек Самарқандда расадхона қурган (823/1420 ёки 824/1421). Али Қушчи унинг “Зийжи Султоний / Зийжи Курагоний” сани тугаллагани айтилса-да, ушбу маълумот баҳсга очик [5: 216].

Олимнинг дипломатик фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. 1438 йилда Улуғбек Али Қушчини Хитойга элчи қилиб юборади. Сафар чоғида “*Хитой ҳақида китоб*” номли асар ҳам ёзади. Кейинчалик, 1471 йилда Оқ қуюнли ҳукмдор Узун Ҳасан эса уни Туркия султони Муҳаммад Фотих II саройига элчи қилиб жўнатган.

Улуғбек фожиасидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Улар ўзлари борган ерларга Самарқанд олимларининг ютуқларини ва “Зиж”нинг нусхаларини ҳам етказадилар. Хусусан, Али Қушчи орқали Улуғбек “Зиж”и Туркияда тарқалади ва у ердан Европа мамлакатларига ҳам етиб боради.

Улуғбекнинг ўлиmidан сўнг Самарқандда ҳукм сурган нотинчлик ва қарорсизлик то 1451 йилгача, яъни Мирзо Абу Саид тахтга ўтиргунига қадар давом этади. Албатта бу йилларда Самарқандда астрономик кузатишлар олиб бориш амри маҳол бўлгани аниқ. Абу Саид даврида ҳам бундай ишларга шароит туғилганлиги номаълум.

Мирзолар ўртасида рўй бераётган низолардан безиб, Али Қушчи аста-секин бу ерда илмий ишларни тўхтатишга мажбур

бўлади. Улуғбек вафотидан сўнг унинг Самарқанддаги машҳур кутубхонаси хавф остида қолади. Кутубхонани Али Қушчи сақлаб қолган, китобларнинг кўп қисмини Самарқанд яқинидаги Хазрат Башир қишлоғига кўчирган, деган тахминлар бор. Кўп ўтмай, таъқиблардан қочиб, Али Қушчи Самарқанддан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Абу Саид Мирзодан ҳаж сафари учун деб, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ёрдами билан рухсат олишга муяссар бўлади, ҳаж сафарига боргани ёки бора олмагани ҳақида маълумот топилмади.

Тадқиқотчи Ботир Абдуллаев таҳлилларига кўра Аҳмадали Ўринбоев Абдурахмон Жомийнинг мактубларини тадқиқ қилиш асносида улардан учтаси Али Қушчи ва унинг оила аъзолари, яқинларига бағишланганлигини аниқлаб, олим Самарқанддан Хиротга келган вақти ё 1470 йил охири ёки 1471 йил бошига тўғри келади деб ҳисоблаган. Турк олими Солиҳ Закий маълумотларига кўра эса, Али Қушчи Самарқандда нотинчлик ҳукм сурган паллада Темурий шаҳзодалардан ҳажга боришга рухсат олиб, тўғри Табризга Оққўйли туркманларининг султони Узун Ҳасаннинг ҳузурига борган ва Узун Ҳасан Али Қушчини турк султони Муҳаммад Фотиҳ II саройига элчи қилиб юборган. Лекин Солиҳ Закий бирор адабиётга ҳавола қилмаган ва далил келтирмаган. Аввало шуни айтиш керакки, Узун Ҳасан 1453-1478 йиллар ҳукм сурган. Демак, Солиҳ Закийнинг фикри бўйича Али Қушчи Табризга 1453 йили ёки бироз кейин келган бўлиши керак. Аҳмадали Ўринбоевнинг маълумотларига кўра эса, Али Қушчи 1471 йили Узун Ҳасаннинг ҳузурига келган, ўша йили унинг номидан элчи бўлиб Истанбулга борган. Бу ҳол шубҳа туғдиради, чунки орақўйли туркманлари ҳам, оққўйли туркманлари ҳам темурийларнинг ашаддий душманлари бўлишган. Али Қушчи темурийлар саройидаги йирик шахс бўла туриб, қисқа муддат ичида Узун Ҳасаннинг ишончини қозониб, унинг элчиси бўлиши мумкин эмас эди.

Ҳар ҳолда Солиҳ Закий ўз айтганларига далил келтирмаган бўлса ҳам Али Қушчи ҳаж қилиш асносида Озарбайжондан икки марта ўтиб, Узун Ҳасан билан яқиндан танишгани, унинг ишончини қозонгани ҳақиқатга яқин бўлса эҳтимол.

У Кармана, Хирот ва бошқа шаҳарларга сўнгра Озарбайжонга бориб, бир муддат Табризда қолади. 1471 йилда маҳаллий оқ қуюнлилар ҳокими Узун Ҳасан (1453-1478) Али Қушчини ўз саройига таклиф қилиб, унга нисбатан катта ҳурмат ва эҳтиром изҳор этади. 1471 (ёки 1465) йилда эса, тинчлик битимини тузиш мақсадида уни усмонли турк султони Муҳаммад Фотиҳ II га элчи қилиб жўнатади.

Али Қушчи Туркиянинг Истанбул шаҳрига боради. Турк султони Муҳаммад Фотиҳ II (1432-1451-1481) тараққийпарвар ҳукмдор бўлиб, ўз атрофига олим ва шоирларни тўплаб эди. Али Қушчининг донғини эшитган султон уни сарой хизматида таклиф қилади. Султон уни жуда илиқ қабул қилиб, ўзига яқин тутиб, доимий яшаш учун Истамбулда қолишни таклиф этади. Али Қушчи бу таклифни қабул этади ва элчилик вазифасини адо этганидан сўнг султоннинг рухсати билан яна Табризга қайтади. У ердаги икки юз нафар оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва хизматчиларини олиб Истамбулга қайтади.

Али Қушчининг юксак обрўси ва султоннинг унга нисбатан иззат-икромини ушбу мисолда кўриш мумкин: Али Қушчи келаётганида Туркия ҳудудида ҳар марҳаланинг (*таҳминан 30 км. масофанинг*) бекаига махсус одамларни қўйиб, йўл харажатлари учун 1000 танга пул тайинлайди [15: 160; 12: 243; 8: 182; 1: 322]. Али Қушчининг қарвони Истанбулнинг Осиё қисмидаги маҳалласи Ускюдарга яқинлашганини эшитган султон уни кутиб олиш учун Истанбулнинг қозиси Хожазода Афанди билан сарой мулозимларини у ерга юборади.

Ускудардан Истанбулга ўтишда Али Қушчи *“мадд ва жазир” (ой сабабли дарёларнинг тошиши ва қайтиши)* га оид масалани ўртага ташлаб, Тафтазоний ва Саййид Шариф Журжоний орасида бўлиб ўтган ихтилофда Тафтазонийнинг қарашини тўғри деб билишини Хўжазодага баён қилади. У эса аввалига шундай фикрда бўлганини, лекин масалани яхшилаб ўргангандан сўнг бу баҳсда Журжонийнинг ҳақ эканини аниқлаганини ва бу борада бир рисола ёзганини маълум қилади. Маълумотларга кўра Али Қушчи кейинчалик ушбу рисола билан сўнг Хўжазоданинг таҳлиллари тўғри эканини қабул қилган. Али Қушчи Истанбулга етиб келганидан сўнг султон Муҳаммад Фотиҳ

II га “*Ар-рисола ал-муҳаммадия фил-ҳисоб*” номли математикага оид асарини унга тақдим қилади.

Али Қушчи Истанбулга 1473 йил февралда келади. Жуда зўр дабдаба билан кутиб олингандан сўнг эртаси куни Али Қушчи султоннинг қабулида бўлганида султон ундан Хожазоданинг билими қай даражада эканлигини сўрайди. Али Қушчи Хожазода билан йўлда бўлган суҳбатидан хулоса қилиб, “*Мулки Рум ва Ажамда беназир, бемисл бир фозил аржуманддир*”, дейди. Султоннинг ўзи бунга қўшимча қилиб, “*Арабда ҳам тенги йўқдир!*” дейди.

Истанбул қозиси Хожазоданинг билими ва унинг султон саройидаги мавқеини эътиборга олиб, Али Қушчи, ўзининг қизини қозининг ўғли никоҳига беради ва қозининг қизини эса ўз куёви (марҳум қизининг собиқ эри) Қозизода Румийнинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад никоҳига олиб беради. Эҳтимол, Али Қушчининг иккита қизи бўлган.

Султон уни олимларга раҳбар қилиб тайинлайди. Али Қушчи 1473 йил баҳоридан бошлаб кундалик 200 танга маош билан Аё София мадрасасига бош мударрис этиб тайинлайди. Унинг қариндошлари ва яқинлари ҳам ўзларига муносиб вазифаларга тайинланадилар.

Али Қушчи султонга яқин бўлганлиги сабабли 1473 йил августидан 1474 йил апрелигача султон Фотиҳнинг Узун Ҳасанга қарши Ироқи Ажамга қилган юришида иштирок этади.

Али Қушчи Истанбулга келиши билан Аё София жомеъсида астрономик кузатишлар олиб боради. Бу кузатишларда у билан бирга Самарқанддан келган ва кўплаб маҳаллий ҳамда хорижий шоғирдлар ҳам иштирок этади. Кўп муаллифларнинг эътирофи этишича Истанбулда астрономик кузатишларни Али Қушчи бошлаб берган.

Али Қушчининг илмий асарлари Улуғбек «Зиж» идек шуҳрат қозонмаган бўлса ҳам, унинг ижоди фан тарихида ниҳоятда муҳим ўрин тутди. У ўрта асрлардаги Мовароуннаҳрда ривож топган аниқ фанлар соҳасидаги сўнгги буюк олимларнинг намоёнаси бўлиши билан бирга усмонли турклардаги биринчи энг йирик ва кўзга кўринган олим бўлган.

Ҳозирги замон турк тарихчиларининг эътирофи этишича, Истанбулга Али Қушчи келгунига қадар астрономияда унинг даражасидаги олим мавжуд эмас эди. Истанбулга Али Қушчи келиши билан бу мамлакатда қисқа муддат ичида астрономия фани соҳасидаги ишлар йўлга қўйилди ва пировард натижада Мирам Чалабий ва бошқа атоқли олимлар юзага келди.

Лекин у Истанбулда кам вақт бўлгани боис бу ерда йирик ишларни амалга оширишнинг имкони бўлмади. Лекин шу қисқа муддат, умуман, унинг Истанбулга келишининг ўзи ҳам нафақат усмонли турк фани тарихида, балки дунё фанида муҳим бир воқеа бўлди. Чунки усмонли турклар 1453 йили Истанбулни фатҳ этганидан сўнг бироз ўтмай бу шаҳар Шарқ ва Ғарб маданиятларининг учрашув жойи бўлиб қолди.

Маълумки, ўша даврда Европада Шарқ фани ва маданиятига қизиқиш жуда катта бўлиб, Европа Шарқнинг илмий ютуқларини чанқоқлик билан ўзига сингдираётган эди. Истанбулга Италия, Германия, Австрия ва Голландиядан рассомлар, муҳандислар, ҳарбий мутахассислардан ташқари астрономия ва математика мутахассислари ҳам тўпланган эди. Хусусан, Германиядан ҳисобдон «*коссистлар*» келган эди. Биринчи бўлиб Самарқанд олимларининг ютуқларидан ана ўшалар баҳраманд бўлдилар.

Али Қушчи бош мударрислик лавозимида узоқ фаолият кўрсатмаган бўлса ҳам унинг зиммасига бир шарафли тарихий ролни ижро этиш тушади. У мадрасада астрономия ва математикадан Самарқанд олимларининг, асосан, Коший, Румий ва Улуғбекларнинг илмий ютуқлари асосида маърузалар ўқийди, Улуғбек “Зиж”га Али Қушчи ёзган шарҳларини ўқиб беради ва уни тарғиб қилади. Мадрасада Германиядан келган ёшлар (улар “*косинус*” деган сўзни кўп ишлатганлари учун Германияда кейинчалик “*коссистлар*” деб аталганлар) ҳам бор эди. Булар Самарқанд олимларининг ютуқлари ҳақидаги маълумот ва хабарларни Европага олиб бордилар.

Шу тариқа Улуғбек ва унинг «Зиж»и ҳақидаги хабарлар мелодий XV аср охиридаёқ Европага етди. Бунда эса Али Қушчининг хизмати каттадир.

Али Қушчининг вафот этган санаси унинг кизи тарафидан набираси бўлмиш Мирам Чалабийнинг ушбу форсий мисраларида келтирилган:

*Раҳнамои илм мавлоно Али Қушчи,
Чун би-суйи равзайи ризвон бирафт:
Буд зи ҳижрат ҳаитсаду ҳафтоду нўҳ,
Рузи шанба ҳафтуми шаъбон бирафт.*

Маъноси:

*Илм-фан раҳнамоси мавлоно Али Қушчи,
Жаннат гулзори сари юзланган вақт:
Ҳижрий саккиз юз етмиш тўққизинчи йил,
Шанба куни Шаъбон ойининг етгинчи куни.*

Демак, Али Қушчи ҳижрий 879, мелодий тахминан 1474 йил 16 декабрь куни Истамбулда вафот этган [18: 1; 2: 115; 3: 234].

ХУЛОСА

Али Қушчи ўз умри давомида олимлар, файласуфлар ва шоирлардан иборат зиёлилар атрофида илмий ишларни тараққий эттиришга интилди. Риёзиёт, фалакиёт, фалсафа, мантик, тилшунослик, шунингдек, тафсир, фикҳ ва калом илмларига оид асарлар ёзди.

Али Қушчининг бутун ҳаёти ва ижоди фан йўлида сарфланди. У ўз устози Улуғбек билан ҳамкорлиги ва ёзган асарлари билан ўзи ва устози номини тарих саҳифаларига муҳрлади.

У Истамбулда, машҳур саҳобий Абу Айюб Ансорий шарафига “Султон Айюб” деб номланган масжид ёнидаги қабристонга дафн қилинган. Масжиднинг кириш қисмидаги мармар тошга «Али Қушчи – илм инсони» сўзлари ўйиб ёзилган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Adıvar A.A. “Ali Kuşçu” İA, Eskişehir, 1997, I.
2. Barthold, Wilhelm. Uluğ Beg ve Zamani, (çev. İsmail Aka), Ankara, 1997.
3. Brockelmann C. GAL, Bd II, S. (Blochet, Catalogue BN, t. II, p. 68 (№ 791).
4. Handmîr, Gıyâseddin b. Hümâmeddin el-Hüseynî, Habibüs’s-siyer fî ahbârî efrâdı beşer, yy., ty., IV.
5. İhsan Fazlıoğlu, “Ali Kuşçu” Yaşamları ve Yapıtlarıyla Osmanlılar Ansiklopedisi, 1989.
6. İhsan Fazlıoğlu, “Qushji: Abu al-Qasim Ala al-Din Ali ibn Muhammad Qushci-zade,” The Biographical Encyclopedia of Astronomers, Springer Reference, New York, Springer, 2007.
7. İhsan Fazlıoğlu, TDV İslâm Ansiklopedisi, 1989. Ж.30.
8. Mecdî Mehmet Efendi, Hadâiku’ş-Şakâik, (nşr. Abdülkadir Özcan), İstanbul, 1989.
9. Müjgan Cunbur, Ali Kuşçu Bibliyografyası, Ankara, 1974. XV.
10. Sédillot. Prolégomènes (“introd., p. CXXXII; trad., p. 225) texte.
11. Storey. Persian Literature, vol. II, pt 1.
12. Şevkânî, Muhammed b. Ali, elBedru’t-Tâli’ bi-mehâsini min ba’di’l-karni’s-sâbi’, Beyrut, ts., I.
13. Süheyl Ünver, Türk Pozitif İlimler Tarihinden Bir Bahis Ali Kuşci Hayatı ve Eserleri, İstanbul, 1948.
14. Muammer Dizer, Ali Kuşçu, Ankara, 1988;
15. Taşköprüzâde, İsmâüddin Ebu’l-Hayr Ahmed b. Mustafa, eş-Şekâikü’n-nûmâniyye fî ulemâi’ddevleti’l-osmâniyye, (thk. Ahmet Subhi Furat), İstanbul, 1405.
16. Tofiqh Heiderzadeh, “Ali Kuşçu” Osmanlı (ed. Güler Eren), Yeni Türkiye Yayınları, Ankara, 1999, VIII.
17. Арслонов Х. Улуғ султоннинг фарзанди аржуманди. <https://postda.uz/> (15.10.2018)
18. Бартольд В.В. Улугбек и его время // <http://www.alexarapov.narod.ru>
19. Зириклий Х. Ал-аълум. Ж. 6. – Байрут: Дорул-илм ли-л-малайин, 2002.
20. Маънавият юлдузлари. муаллифлар жамоаси, Тошкент, Абдулла Қодирий нашриёти, 1999.
21. Ульжаева Ш. [facebook.com/groups\(16.11.2019\)](https://www.facebook.com/groups/16112019)
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3080-сон қарори.
23. <https://cdn2.islamansiklopedisi.org.tr/dosya/30/C30009741.pdf>
24. kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/ali-qushchi-oz-davrining-batlimusi.
25. www.mg.uz, www.testhistory.ru